

Инсонларга тепадан эмас пастдан қараш ЛОЗИМ



10:00 / 11.01.2022 2249

Шайх Абдулқодир Жийлоний роҳимаҳуллоҳга кишилар дейишибди:

- Шогирдларингиз ичида солиҳлари ҳам, ярамаслари ҳам бор. Нега бундай?!

Шайх жавоб берибди:

- Солиҳлари бизники, биз эса ярамаслариникимиз!

Бу нима дегани? Буюкларимиз доимо бу умматнинг хизматида бўлишган. Ўзларини бундан беҳожат билишмаган. Улар туфайли Аллоҳ бир инсонни ҳидоят қилса буни ўзлари учун ғанимат ва ажр деб билишган.

Ҳали тўлиқ тузалмаган, қалби ва амалида нуқсони бор кишилар учун ўзларини доимо керак деб билишган.

Биз инсонларга тепадан эмас пастдан қарашимиз лозим. Ўзимизни нажотда, инсонларни эса ҳалокатда деб ўйламаслигимиз керак.

Агар сизда намоз ўқимайдиган дўст бўлса, ибодатларни адо қилмаса, аммо у бошқаларга азият бермаса, мурувватли бўлса, виждонли бўлса, гўзал

хулқли бўлса, содиқ бўлса, ишончли бўлса, алдамаса, хиёнат қилмаса, қаҳрамон бўлишни суйса демак ундан яхшилиқни умид қилсангиз бўлади.

Сиз унга ёрдам беринг. Унга яхшилиқлар тақдим қилинг. Иншааллоҳ Аллоҳ уни тўғри йўлга бошлаб, келажакда у мусулмонларга қувват бўлар эҳтимол...

Зеро, ундаги мавжуд хулқлар инсонни фақат иймонга бошлайдиган хулқлардир.

Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жоҳилият даврида яхши инсон бўлган бир кишининг исломга кирганини кўриб шундай деган эдилар:

«Сен олдин қилган яхшилиқларинг учун мусулмон бўлдинг».

Муслим ривояти.

Агар ростгўй, ишончли, мурувватли ва маломатчининг маломатидан қўрқмайдиган кишини кўрсангиз-у унинг исломида, ибодатида нуқсон бўлса, ундан яхшилиқни умид қилиб Аллоҳ томон чақираверинг. Чунки у мусулмон бўлса бу ҳулқларини барчасини мусулмонлар хизматида ишлатади.

Олий мартабалар олдингиларга эмас, содиқларгадир!

Абдулқодир Полвонов